O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 30 IYUN ◆ SHANBA ◆ № 75 (26.777)

НАМАНГАН ҒАЛЛАСИ ТАЙЁР

МАРРА

Бугунги дон эртанги нон. Нон — ўзбекнинг руҳияти, ризқу рўзи. Наманган вилоятида ризқ-насиба бутун бўлди. Вилоят меҳнаткашлари давлатга ғалла топшириш шартномавий режасини бажардилар. Омборларга 213,5 минг тонна дон тўкилди. 17,4 минг тонна сара уруғлик етиштирилди.

Раҳбар, мутахассис ва тажрибали ғаллакорлар саъй-ҳаракати, республика ҳукумати томонидан 20 та янги «Кейс» комбайни ажратилиши ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берди. Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Норин туманлари ўримда пешқадам бўлдилар. «Ғайрат», «Тошкент», «Олтин водий», «Уйчи», «Ўзбекистон», «Мустақилликнинг 5 йиллиги» ширкат хўжаликларида дон ҳосилдорлиги 51-64 центнерга етди. Учқўрғон тумани бўйича эса бу кўрсаткич 55,1 центнерни ташкил этмоқда.

Норин туманидан Тўлқинбой Курбонов, Наманган туманидан Фарҳоджон Нуриддинов, Учқўрғондан Ҳошимбой Отамирзаев сингари оилавий пудратчилар 72-91 центнердан ғалла олишга муваффақ бўлдилар.

Вилоятда ўрим-йиғим давом этмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги шарафига яна 10 минг тонна ғалла омборларга жойланади.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАЪЛИМГА ШУНЧАКИ ЁНДАШИБ БЎЛМАЙДИ

бу ҳақиқат республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси давомида ўз тасдиғини топди

Миллатнинг эртанги тақдири унинг фарзандлари камолига, тафаккур салоҳияти ва ақлий имкониятларига боғлиқ бўлиб қолган бугунги кунда таълим такомиллашувисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам таълим муассасалари фаолиятини илғор технологик ютуқлар асосида ташкил этиш, тарбиячи-мураббийлар, ўқитувчилар малакасини ошириб боришнинг узлуксизлигини таъминлашга эришиш зарур.

Ана шундай олижаноб мақсадлар йўлида ташкил этилган республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси истиқлол йилларида мазкур соҳада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато-камчиликлар, фарзандлар камоли йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишларни таҳлил қилибгина қолмай келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг изчил йўл ва воситаларини ҳам белгилаб берди. Буни конференцияда иштирок этган узлуксиз таълимнинг барча турларидан сайланган вакилларгина эмас, хорижий давлатлардан таклиф этилганлар ҳам эътироф этмоқда. Конференциянинг тантанали очилиши, унинг иш жараёни давомида ишчан ва кўтаринки руҳнинг ҳукм суриши таълим соҳасидаги ислоҳотлар тақдири долзарб ва умумдавлат аҳамиятига молик эканлигидан далолат.

Таъкидлаш керакки, конференцияда бу борадаги ютуқлар эътироф этилиши билан бир қаторда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури биринчи босқичи тадбирлари давомида дуч келинган тўсиқлар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Таъкидландики, мазкур дастурнинг талаблари ва моҳиятини ҳанузгача кенг жамоатчилик англаб ета олган эмас. Ёш авлодга тарбия беришни ўз қисмати деб биладиган ва бу йўлда жонини ҳам аямайдиган ўқитувчиларни етиштириш жуда муҳим. Шунингдек, амалдаги дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, бу жараёнларда бирёқламаликдан воз кечган ҳолда оммабоп услуб ва воситалардан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚАРОР ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Бизнинг туман мамлакатнинг энг шимолида жойлашган. Шоличиликка, чорвачиликка ихтисослашган. Кейинги икки йил, айниқса, бу йилги сув тақчиллиги деҳқончиликка ҳам, чорвачиликка ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Ер ости сувларининг кескин пасайиши ичимлик сув билан таъминлашни яна ҳам қийинлаштирди.

Шундай оғир шароитда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг яқиндан ёрдам кўрсатаётганлиги бизни қувонтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори туман меҳнаткашлари руҳини кўтариб, янги зафарларга чорлади.

Туманимиздан 1353 кишини иш билан таъминлаш белгиланди. Шундан 400 нафари туман автомобиль йўллари бошқармасига ишга жойлашди, 191 киши меҳнат биржаси томонидан иш билан таъминланди. 210 нафар мактаб ўқувчилари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги оромбахш жойларда дам олмоқда. 170 нафар аёлни санаторий ва профилактик даволаш муассасаларида дам олиши ва даволаниши белгиланди.

Туманимиз меҳнаткашлари ўзларининг ажойиб меҳнат зафарлари билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олишга чоғланганлар.

■ **Маҳамадиёр ЖЎЛЛИБЕКОВ, Тахтакўпир тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси**



■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

2001 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш максадида:

1. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1, 4 баравар;

барча турдаги пенсиялар — ўрта ҳисобда 1, 45 баравар оширилсин.

2. 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 3430 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 6780 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 3430 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 6780 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 4110 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2001 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур Фармонда иш ҳақи 1, 4 баравар оширилиши кўзда тутилганлигини ҳисобга олиб, врачлар, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақининг янги миқдорларини, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилишини тасдиқласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2001 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2001 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2001 йилнинг 1 августига қадар амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган зарур ўзгартиришларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 июндаги ПФ-2644-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 29 июнь

ҚАБУЛ СОАТИ

ЙЎЛЛАНМА ВАЗИРЛИКДА ҲАЛ БЎЛДИ

Йил бошидан бери Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига нафақа тайёрлаш, имтиёзлардан фойдаланиш, моддий ёрдам, дам олишга йўлланма сўраш, саховат ва мурувват уйларига жойлаштириш, автомашиналарни таъмирлаш бўйича ёрдам сўраб 784 фуқаро мурожаат этган, 590 ариза қаноатлантирилган ва тушунтириб берилган, 194 таси кўриш учун вилоятларга юборилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Обидов Оқил Обидовичнинг қабул вақти ҳар пайшанба куни соат 14 дан бошланади.

Марка Исломов — уруш қатнашчиси, Сурхондарё вилояти Денов туманининг «Ғалаба» жамоа хўжалигидан келган эканлар. Вазир қабулига дам олишга йўлланма сўраб келибдилар. Унинг саломатлигига Хумсон об-ҳавоси тўғри келади. Марка отанинг вазирлик ходимлари исм-шарифини билиши, ҳадеб, Муяссар, Нина Николаевна, деб мурожаат қилиб, эркин гаплашаётгани бизни ҳайрон қолдирди.

— Ҳар сафар йўлланмани шу ердан оламан-да, — изоҳ бердилар отахон. Марка ота бу сафар ўртоғининг аризасини ҳам олиб келибдилар.

Марка Исломов вазир қабулидан хурсанд бўлиб чиқдилар. Унга Хумсонга йўлланма ваъда қилишибди. Ўртоғининг аризаси ҳам кўриб чиқиладиган бўлибди.

Афғон уруши қатнашчиси, ангренлик кўзи ожиз М. Даданов, Ангренда иши битмагач, ўғли етакловида вазир қабулига келибди. Унга ҳам йўлланма ажратиладиган бўлди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшовчи онахон Ҳамида Толипова ҳам шу масалада келган. Муаммо шундаки, онахонка борадиган йўлни кўрсатиб қўйибди. Шу тариқа Раҳимжон ака бу ёққа келаверибди. Мана, ишлари ҳал бўлди.

Хуллас, дам олишга имтиёзли йўлланма сўраб келганларнинг сўрови ижобий ҳал бўлди. Булардан шундай хулоса чиқардикки, агар вазирликнинг жойлардаги бўлимлари яхшироқ ишласа, кексаларнинг, ногиронларнинг нинг кўзлари яхши кўрмайди, ўзга киши парваришига муҳтож, ўзиникига қўшимча яна битта имтиёзли йўлланма керак.

Онахон вазир қабулидан чиққач, уни бир соат дуо қилдилар:

— Вазир жуда хушмуомала одам эканлар, барака топсинлар, йўлланма бериладиган бўлди.

Нафақачи Раҳимжон Орифжонов ўзи билан кампирига дам олиш учун имтиёзли йўлланма сўраб С. Раҳимов туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат қилса, кўпдан буён навбатда турганлар бор, дейишибди. Туман бўлими олдида бир киши маслаҳат бериб, вазирликнинг ўзоқ-яқиндан овора бўлиб вазирнинг қабулига келишларига ҳожат қолмайди. Вазирлик раҳбарлари эса фақат ўзлари хушмуомала бўлиб қолмай, жойлардаги ходимлардан ҳам ташрифчилар билан яхши муомалани ишдаги асосий талаблардан бири қилиб қўйишлари керакка ўхшайди.

Қабулга келган яна бир аризагўй Ғофир Бўтаев — оҳангаронлик. Унинг ўғли Кореяда ишлаяпти. Ўғли ўтган йилнинг апрель ойида вазирлик қошидаги ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Кореянинг Пусан шаҳридаги вакили ҳисобига иш ҳақидан 1 миллион 130 минг Корея вонини ўтказган — Ўзбекистонга, ота-онасига етказиб бериш учун. Ғофур Бўтаев ҳозиргача бу пулни ололмабди. Агентликнинг Пусандаги вакили Владимир Тошкентга келганида у билан ҳам суҳбатлашди. Ана ҳал бўлар, мана ҳал бўлар, деб бир йил ўтдики, пулнинг дараги чиқмади. Вазир масалани ўрганиш учун агентликка топшириқ берди.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани «Меҳрибонлик» жамиятидан Ю. Мирзакаримова ариза билан мурожаат қилган. Жамият қошида ногиронларга компьютер билан ишлашни ўргатиш маркази очишмоқчи. Компьютер билан таъминлашни сўрабди. Бу масала юзасидан вазирлик ходимлари ўрганиб, таклиф киритиш юзасидан топшириқ олдилар. Навбатдаги шикоятчи — тошкентлик Машҳура Жалилова кирганида Оқил Обидович қабулда иштирок этаётган икки бошқарма вакилидан ташқари яна уч нафар ходимни чақиришга тўғри келди. Вазир улардан шикоятчининг олдида ҳисоб олди. Лекин шикоятчи бу сафар ҳам (вазир қабулига учинчи бор келиши экан) уларнинг текшируви хулосаларидан қониқмади.

Гап шундаки, М. Жалилова 29 йил боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган. Шундан 17 йили тўлиқ ставкада тарбиячи, қолган даврида бир ставкада методист ва ярим ставка тарбиячи. У 25 йил стаж билан имтиёзли нафақага чиқишга даъвогар. Мирзо Улуғбек туман бўлимида, шаҳар бошқармасида унга рад жавобини беришди ва унинг вазир қабулига ташрифлари бошланди. Вазирлик ходимлари ҳам ишни ўрганиб, бўлимдагилар фикрини маъқуллашяпти. Аммо ҳар сафар қабул қилганида М. Жалилова яна бир саволни қўяди ва улар узил-кесил рад жавобини бериш учун асос топа олмайдилар. Маълум бўлдики, бу сафар ҳам вазирлик ходимлари қандайдир саволни очиқ қолдиришибди. Уларга яна ўрганиш учун топшириқ берилди.

Оқил Обидович ва вазирлик ходимлари қабулига келган ҳар бир киши ўз саволларига қай даражададир жавоб олиб чиқдилар. Қабулдан фалончи одам хурсанд бўлиб, фалончи эса кўнгли тўлмай чиқди, деб санаб ўтириш ниятимиз йўқ — қабул соатини ёритиш муддаомиз эди.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚЎНГИЛДАГИ КЕМТИК»

Самарқанд вилояти 2-сонли сил касалликлари шифохонаси қошидаги мактаб биноси авария ҳолатида бўлганлиги сабабли 1994 йилдан бери мактаб фаолият кўрсатмаётганлиги, дарслар ошхонада олиб борилаётганлиги, мутасадди раҳбарларнинг ушбу ҳолатга бефарқликлари ҳақида мазкур йилнинг 10 майида рўзномада чоп этилган «Кўнгилдаги кемтик» номли мақола Соғлиқни сақлаш вазирлиги комиссияси томонидан жойида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада келтирилган айрим далиллар ўз исботини топди.

Вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонаси 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, суяк ва периферик лимфа тугунлари сили билан хасталанган катта ва кичик ёшдаги беморларга мўлжалланган. Шифохона қошида «Йўлдош» номли ихтисослаштирилган мактаб мавжуд бўлиб, у 1985 йилда қурилган. Мактабда юздан ортиқ бемор болалар 1-синфдан 11-синфгача таълим олишади.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда мактаб биноси авария ҳолатида бўлиб, иситиш ва ёритиш тармоқлари бутунлай издан чиққан, хоналар деворлари нураб кетган, томи эса умуман яроқсиз ҳолга келган. Шунинг учун 1994 йилдан бери вилоят давлат санитария назорати хизмати томонидан мактабнинг фаолият кўрсатиши тақиқланган, ўқитиш жараёни бўлимлардаги овқатланиш хоналарида ва верандаларда олиб борилмоқда. Бемор болалар ўқув қуроллари билан етарли даражада таъминланмаган, ўқитувчиларнинг билим савиялари эса паст даражада.

Таҳлиллар шифохонада беморлар ўртасида ўтказилаётган даволаш жараёнлари ташҳислар асосида тўғри ва тўлиқ равишда олиб борилаётганлигини кўрсатди. Синф хоналари кўргазмали қуроллар билан имкон қадар таъминланган, лекин хоналар авария ҳолатида бўлганлиги сабабли кўргазмалар кўримсиз ҳолда сақланмоқда.

Текшириш натижаси вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонасининг кенгайтирилган тиббий кенгашида муҳокама қилинди ва шифохона маъмуриятининг 2001 йил 28 майдаги буйруғи асосида айбдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Мактабнинг таъмирланишига масъул бўлган вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг собиқ бошлиғи Ж. Эшқобилов ва вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонасининг бош врачи И. Қодировлар ўз вазифаларидан озод этилганликлари инобатга олинди. Шунингдек, 15 ўқитувчига ўртача ойлик маошининг 30 фоизи ҳисобидан жарима солинди, 7 ўқитувчига ўз вазифаларига эътиборсизлик билан қараганликлари учун ҳайфсан эълон қилинди ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан келишилган ҳолда 25 августга қадар мактаб ўқитувчиларининг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги тўғрисида шаҳодатлаш комиссияси ўтказилиши режалаштирилди.

Мақолада келтирилган далилларни ўрганиш жараёнида ва якуни бўйича комиссия аъзолари вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шифохона мутахассислари ҳамда Сиёб тумани ҳокимлигининг мутасадди ходимлари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказдилар. Мактаб биносини таъмирлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Шифохона ҳовлисини таъмирлаш мақсадида 700.000 сўм маблағ ажратилиб, асфальт ва бетон тўсмалари ётқизилди. «Шрейдер» номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институтининг Самарқанд филиали томонидан 124 минг сўмлик дарахт ва гул кўчатлари ажратилиб, шифохона кўкаламлаштирилди.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Лойиҳа институти томонидан мактаб биносини таъмирлаш бўйича лойиҳасмета ҳужжатлари тасдиқланди ва вилоят ҳокимлиги томонидан мактабни таъмирлаш учун лозим бўладиган маблағ ажратилиши 2002 йил бюджет сметасига киритилиши режалаштирилди.

■ **Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. ЯРҚУЛОВ**

МУШОҲАДА

МАҲАЛЛАНИНГ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИ

◆ Маҳалла фақат ўзбекларга хос демократик бошқарувдир.
◆ «Мажолисун-нафоис»даги маҳалла ҳақида қайдлар.
◆ Чор ҳукумати нега маҳалла бошқарувини йўқотди?

Маҳалла — Ўзбекистонда кишилар ижтимоий ҳаётининг асрлар давомида шаклланган ўзига хос кўринишидир. Бу ўзаро қўллаб-қувватлашнинг тенги йўқ ижтимоий ташкилотидир.

Жамият ҳаётининг бутун жабҳаларида — оддий ҳаёт, иқтисод ёки сиёсат бўлмасин унда ўзбек жамоатчилиги ўзини намоён қилади. Ғарбда кишиларнинг бундай бирлиги мутлақо учрамайди. АҚШ ёки Германияни Ўзбекистон билан солиштирсак, у ерда кишилар бир-биридан йироқдир. Ўзбекистонда эса инсонларнинг бир-бири билан кўп томонлама боғлиқлигини кўриш мумкин. Мана шундай бир-бирига боғлиқлик, ҳамжиҳатлик маҳалла «институти»да учрайди.

Чиндан ҳам Ўрта Осиёда ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли — маҳалла азалдан мавжуд бўлиб келган. Маҳалла бевосита одамларнинг жамоа бўлиб бирлашиб, уюшиб яшашлари тарихи билан боғланган.

Манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида туғилган мантиқий хулосага кўра, одамлар ибтидоий жамоа тузуми давридан ўтроқ ҳаётга ўтиб, жамоа бўлиб яшай бошлаганларида маҳалла тизимининг ибтидоий унсурлари, қадриятлари, касб-ҳунар малакалари, рўзғор тебратиш, ўзаро мол айирбошлаш асослари шакллана борган.

Бизнинг минтақамизда уч минг йил илгари ҳозирги Туркманистон ҳудудида ва милоддан XVIII-XVII аср илгари Жанубий Ўзбекистонда илк (ибтидоий) шаҳар жамоалари шаклланганлигини археологларимиз ўз илмий тадқиқотлари натижасида исботлаб беришди.

Туркманистон жанубидаги Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Ўзбекистондаги Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликлари илк шаҳар маданиятининг намуналаридир.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида ҳам олиб борилган археологик изланишлар шуни тасдиқлайдики, шаҳарнинг атрофида IX-X асрларда маҳаллалар, гузарлар кўпайиб кетган. Тарихий адабиётларда ҳам маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берилади. Жумладан, тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» номли асарида минг йиллар илгари бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд қилиб ўтган. Олим қадимда маҳалла шаҳарча аҳамиятига эга бўлганлигини таъкидлайди. Маҳаллалар, айниқса, соҳибқирон Амир Темур тузган давлатда ривожланди, гуллаб-яшнади. Ўша вақтда маҳаллаларда яшаш, истиқомат қилиш фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил топган эди. Темирчилар, қурол-яроғчилар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, қурувчилар ва бошқа ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, ҳаёт кечирган эдилар.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳам маҳаллалар ҳақида илиқ сўзлар қолдирган. Навоий яшаган маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик, инсоний фазилатлар нақадар юксак бўлганлигини кўрамиз. Таниқли адабиётшунос олим А.Ҳайитметовнинг айтишича, Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзади: «Дўстмуҳаммад — Марғиноний маҳалласидандур. Ҳам шеърга, ҳам муаммога таъби яхшидур».

Чор Россияси босқини арафасида Тошкент тўрт даҳадан — Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур ва Бешёғочдан таркиб топган бўлиб, уларнинг махсус жамоа кенгаши бўлган. Мазкур кенгаш фаолиятида маҳаллий ҳокимият вакиллари — халқ томонидан сайланган юзбоши ва мингбошилар қатнашган.

Мустамлакачилар Россия империяси даврида Россия ҳукумати Туркистон халқларининг «хоҳиш-иродаси ва розилигига қараб қолмаслигини» ҳамиша алоҳида уқтириб келганлар. Шу асосда Туркистон генерал-губернаторлик бошқаруви тизими тузилган. Шаҳар, қишлоқ бошқаруви тизимида туман бошлиғи тасарруфида участка (бўлим) пристави бўлиб, унга маҳалла элликбошилари, ўнбошилари бўйсиндирилган. Туркистон генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштириб, унинг жиловини маҳкам ушлаб турган. Маҳаллий бошқарув тизими рус маъмурияти қўлида сақланган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, вақт ўтган сари маҳаллалар сони ҳам ўзгариб борган. XIV аср охирида Тошкентда маҳаллалар сони 150 га яқин бўлган. Масалан, Н.Маев кўрсатиб ўтганидек, улар 149 та бўлиб, 48 таси Шайхонтоҳурда, 38 таси Себзорда, 31 таси Кўкчада ва 32 таси Бешёғочда бўлган.

Мустабид собиқ шўро тузимида ҳам тазйиқларнинг ҳаммаси бошқарувнинг ушбу халқчил, энг самарали маҳалла тизимини зўрма-зўраки тугатишга қаратилган эди.

Ваҳоланки, маҳалла одамларнинг бошини қовуштиришда, турмуш маданиятини шакллантиришда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тарихий вазифани бажарган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнгтина мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла тизимини тиклашга ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Худди шу йилларда маҳалла тизими Ўзбекистоннинг ўзига хос бетакрор, ноёб бошқарув институти эканлиги эътироф этилди ва у ҳозирги кунда жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам тан олинмоқда.

■ **Улуғбек РАҲМОНБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида давлатимиз мустақиллиги ва ХДПнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш масалаларига бағишланган шаҳар ва туман кенгашлари котибларининг тезкор йиғилиши бўлиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда ХДПдан давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи ҳам муҳокама этилди.

* * *

«Шўртаннефтьгаз» корхонасида, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф.Омонов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис депутати, профессор М. Нормуродов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими раиси М. Ражабов, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Х. Дусиёров ва бошқалар ўз маърузаларида асосий эътиборни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ҳар томонлама очиб беришга, навбатдаги муҳим вазифалар ва уларни амалга ошириш йўлларига қаратдилар. Тадбир сўнггида, йиғилиш қатнашчиларини қизиқтираётган саволларга жавоблар берилди.

* * *

ХДП Хива туман кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловларда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, «Ичан-қалъа», «Янги ҳаёт», «Дўстлик» маҳаллаларида, «Дашяк», «Гандимиёна» қишлоқ фуқаролар йиғинлари сайловларида туман партия кенгаши биринчи котиби А. Бобожонов иштирок этиб, сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишининг аҳамияти хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

* * *

Урганч туман партия кенгаши, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда, ўқувчилар ўртасида, «Истиқлолим — истиқболим» мавзуида, кўрик-танловлар, шунингдек, турли спорт мусобақалари ўтказди.

* * *

ХДП Учқўрик туман кенгаши, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига атаб, «Касбим — фахрим» деб номланган, беллашувни ташкил этди. Туман истироҳат боғида бўлиб ўтган ушбу тадбирда 18 нафар қизлар иштирок этди. Уларнинг барчаси ХДП аъзосидир. Беллашув ғолиби Карима Бозоровага туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

Шунингдек, ушбу санага аталган тадбир ХДП Чортоқ туман кенгашида ҳам ўтказилди.

* * *

ХДП Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан тиббиёт коллежида, «Қомусимизни ўрганамиз» мавзуида, давра суҳбати бўлиб ўтди. Қизғин савол-жавобларга бой бўлган мулоқот суҳбат иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

* * *

Тўрақўрғон туман партия кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда «Сайрам», қишлоқ фуқаролар йиғинида, «Огоҳлик — маҳалладан бошланади» мавзуида, йиғилиш ўтказди.

* * *

ХДП Учқўрғон туман кенгаши ўз ёрдамчи хўжалигида етиштирилган мевалардан тумандаги болалар боғчаларига тақдим этди.

* * *

Партия Данғара туман кенгаши ташаббуси билан, «Гиёҳвандлик ва ёшлар» мавзуида, Данғара касб-ҳунар лицейида, расм чизиш бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда 17 нафар иқтидорли ёш рассомлар қатнашди. Ғолибларга туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ХДП Пешку туман кенгаши, туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, ҳамкорликда, «Ёшлик» хўжаликлараро болалар оромгоҳида, «Келажак ёшлар қўлида» мавзуида, дам олувчи болалар билан учрашув ўтказдилар. Унда ХДПдан сайланган Олий Мажлис депутати Т. Баҳронов 9-сонли иқтидорли ёшлар мактабига компьютер, 25 нафар кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларига кийим-кечак, бадиий адабиётлар топширди. Шунингдек, депутат дам олувчи болаларнинг Бухоро шаҳридаги тарихий обидалар зиёратига ҳомийлик қилди.

* * *

ХДП Андижон шаҳар кенгаши, марказий деҳқон бозори ҳамда Андижон савдо компанияси бошланғич партия ташкилотларида, касб байрами — «Савдо ходимлари куни» муносабати билан тадбир уюштирди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

ҲИКМАТ — ҲАМКОРЛИКДА



Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами муносабати билан Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидовнинг қарорига мувофиқ «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарининг ўн кунлиги ўтказилянти.

«Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарида вилоятдаги ибратли ишлар, янгилигу ташаббуслар, муаммолар ечими ўз аксини топаётир.

Вилоят ҳокимининг вақтли нашрлар фаолиятига эътибори туфайли ижодий жамоанинг иши янада изчиллашди. Журналистларнинг газетхонлар билан ҳамкору ҳамнафаслиги ортди. Ишлаб чиқариш жабҳаларида, дала шийпонларида, ўқув юртларида журналистлар билан газетхонларнинг дилкаш суҳбатлари бўлиб ўтяпти. Унда «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарининг янада мазмунли бўлишига кўмак берувчи фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Таҳририят ва газетхон ўртасидаги алоқа мустаҳкамланяпти. Бундай ҳамкорлик ҳар икки томонга фойда келтиради.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

СУРАТЛАРДА: *«Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати Назиржон Саидов таҳририят ходимлари билан ижодий режаларни маслаҳатлашмоқда;*

«Андижанская правда» ходимлари — Саидбек Шукуров ва Шуҳратбек Абдуллаевлар;

Муштарийлар — газетанинг ютуғи.

■ Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

КАМЛИКНИНГ КАМОЛИ БОР

Ҳозирги кунда Хўжайлидаги Ҳамза номидаги республика меҳрибонлик уйида 269 ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Болалар дарсликлар, кўргазмали қуроллар, кийим-кечаклар билан таъминланган. Ихтисослаштирилган компьютер синфи мавжуд. Кўпчиликнинг эътиборини жалб этадиган музейда меҳрибонлик уйининг қачон ташкил қилинганлигидан бошлаб шу кунгача кимлар раҳбар бўлиб ишлаганлиги, тарбиячилар, бу ерда тарбияланиб вояга етган, фан ва техника ютуқларини эгаллаб, турли лавозимларда ишлаётганларнинг суратлари, рангбаранг мавзудаги экспонатлар, фото-суратлар қўйилган.

Болаларнинг суннат тўйларини ўтказиш бу ерда анъана бўлиб қолган. Ўтган йили тўққиз, бу йил баҳорда 7 боланинг суннат тўйи ўтказилди. Туман «Маҳалла» жамғармаси бўлими ҳар бир боланинг мақсадли омонат дафтарчасига 3000 сўмдан, Хўжайли тумани ҳиссадорлик жамияти минг сўмдан пул ўтказиб берди. Ҳеч кими йўқ 17 боланинг ҳар бирига Бердақ номидаги Қорақалпақ давлат университети ректорати 5000 сўмдан, туман миллий банк бўлими эса 7000 сўмдан пул ўтказди.

Болалар республикамиздаги энг яхши оромбахш жойларда дам оладилар ва даволанадилар. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга саёҳатлар уюштириб, тарихий ёдгорликлар билан танишадилар.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«БРАВО»НИНГ БОЗОРИ ЧАККОН

Навоийда замонавий пиво заводининг иш бошлаганига эндигина бир йил тўлди. Бироқ ана шу қисқа вақт ичида завод 7 хил турдаги энг ноёб пиво ишлаб чиқаришни тўлиқ ўзлаштириб олди. Хориж технологияси ва асбоб-ускунасига эга бўлган, «Истиқлол» номи билан аталувчи бу корхона асрий Маликчўл кенгликларида Германиянинг «Бероплан ГМБХ» фирмаси ишбилармонлари ҳамкорлиги билан яратилди.

— Заводдаги пиво пишириш, тинитиш ва қадоқлаш ишлари тўлиқ компьютерлаштирилган, — дейди завод раҳбари Убайдулла Омонов. — Кунига 10 минг диколитр қувватга эга бўлган заводимиз айни кезда «Браво» тамғаси билан жаҳон стандарти талабидаги пиво турларини қадоқламоқда. Сифат жиҳатидан «Бавария» пивосидан асло қолишмайди.

У. Омонов қайд этганича бор. Чет эл пиволарига рақобатбардош бўлгани сабаб «Браво» айни кезда нафақат Зарафшон ва Навоий шаҳарларида, балки Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам севиб ичилмоқда.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ХАЛҚ БАНКИ

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАМОҚДА

Маълумки, республикамизда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банкнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Ислоҳотларни жадаллаштириш кўп жиҳатдан ана шундай молия муассасаларига ҳам боғлиқ. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар янада ривожланди. Банкларнинг умумий капитали ва банк тизими активларининг умумий ҳажми йил давомида 1,9 баробарга ошганлиги бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул мабалғларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда ижтимоий адолатни қарор топтириш, ўз фуқароларига нисбатан инсонпарвар сиёсат олиб борувчи демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этилаётганлигини яна бир бор тан олинишига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тан олаётган ва катта эътибор бераётган ўзбек иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий тамойилларидан бири ҳам давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётганлигидир.

1996 йил 1 июлига қадар Халқ банки бўлимларида маблағлари бўлган беш миллионга яқин омонатчининг 3 миллионга яқин индексация махсус дафтарчалари очилди ва индексация қилинган омонатларнинг қолдиғи 34,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу маблағлар қайта тикланиши билан бирга банкнинг «малаб қилиб олгунча» омонат фоиз ставкаси бўйича даромадлар ҳам бериб борилмоқда. Маблағларни бериш 1996 йилнинг 1 июлидан 2005 йилга қадар босқичма-босқич тўлиқ тарқатилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар «Индексация» махсус ҳисобларидан аҳолига жами 34,4 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тўлаб берилди.

Бундан ташқари Президентимизнинг 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177-сонли Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли, 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга «Болалар» нафақалари ҳамда қарамоғида 2 ёшгача бўлган оналарга белгиланган нафақаларнинг берилиши ҳукуматимиз олиб бораётган ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, кўп болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишнинг исботи, деб айтиш мумкин. Биргина 2001 йилнинг 1 чораги давомида кам таъминланган оилаларга 762,0 млн. сўм, 8,6 млрд. сўм миқдоридаги «Болалар» нафақалари ва 6,6 млрд. сўмлик 2 ёшгача болали оналарга белгиланган, жами 15,9 млрд. сўмдан зиёд миқдордаги маблағлар Халқ банки муассасалари орқали тарқатилди.

Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш юзасидан ҳукуматимиз қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида Халқ банки аҳоли турли қатламларининг молиявий ва оилавий имкониятларини инобатга олган ҳолда имтиёзли кредитлар берилишини ташкил этган. Ҳозирги кунда аҳолига якка тартибда уй-жой қурилиши учун жами 17457 нафар фуқарога 507,4 млн. сўм миқдорида кредитлар берилган бўлса, ушбу кредитларнинг қарийб 15,9 фоизини пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, иккинчи жаҳон уруши ва Афғонистон уруши қатнашчиларига берилган имтиёзли кредитлар ташкил этади. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, улар қўйидагича: Иккинчи жаҳон ва Афғонистон уруши қатнашчилари, ногиронлари, Чернобиль АЭСи талофати оқибатларини тугатишда иштирок этган фуқаролардан 2373, кишига 69,9 млн. сўмдан зиёд миқдорда, 181 нафар кўп болали, кам таъминланган оилаларга 10,5 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредитлар берилган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, аҳолига берилган жами кредитларнинг 13,8 фоизини фоизсиз имтиёзли кредитлар ташкил этади. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган зилзила натижасида талофат кўрган турар-жойларни таъмирлаш, қайта қуриш мақсадлари учун 2,0 млн. сўм кредит берилган. Ҳозирги кунда ушбу мақсадлар учун яна қўшимча равишда 20,0 млн.сўм миқдорида пул маблағлари ажратилган.

Халқ банки республикамизда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида мамлакатимиз олий ўқув юртлари, коллежлар ва бошқа ўқув даргоҳларида контракт асосида таълим олаётган талабалар, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Абитуриент» кредитларини жорий этди. Мазкур кредит тури жорий қилинган кундан бошлаб ҳозиргача 240 нафар талабага жами 25,0 млн. сўмдан зиёд миқдорда қисқа муддатли кредитлар ажратилди. Айни пайтда талабаларимизга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида берилаётган кредитларимизнинг муддатини узайтириш, кредит шартларининг мижозларимиз учун қулай бўлишини таъминлаш юзасидан ўзгартиришлар киритиш устида иш олиб бораяпмиз.

Ўйлайманки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси, шу жумладан ёшларимиз ҳам Халқ банкининг хизматларидан янада унумли фойдаланадилар.

■ **Содиқ ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи**

ОГОҲЛИК

АСОСИЙ ТАҲДИД

ЁКИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ НИЯТ ВА НИҚОБЛАРИ

«Ёмон таом баданга қандай зиён қилса, ёмон хатти-ҳаракат ҳам оламга шундай таъсир кўрсатади».
(«Темур тузуклари»дан)

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди. Халқимиз миллий қадриятлари ва жаҳоннинг илғор демократик тамойилларига асосланиб пухта тайёрланган мазкур қонун ҳужжати Қуролли Кучларимизни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ҳамда мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат, жамият ва фуқароларнинг иштирокини белгилаб беради. Мазкур қонун Олий Мажлис томонидан бирмунча илгари қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон фуқаролари хавфсизлигига бўлган асосий таҳдидлар орасида диний экстремизмнинг алоҳида ташвиши борлиги Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида аниқ-тиниқ ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, янги минг йилликнинг биринчи асри диний экстремизм, терроризм ва наркобизнеснинг ривожига тўғри келганлиги ҳаммамиз учун афсусланарли ҳолатдир. Бишкек шаҳрида Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон давлатлари раҳбарлари ва Россия Президенти махсус вакилининг ўтган йил августда эълон қилган Баёнотидан халқаро террорчилик ҳаракати ушбу минтақада сурункали тус олгани, унинг интилишлари, хавфсизлик ва барқарорликни узоқ вақтга издан чиқаришга йўналтирилганлиги, бу эса Марказий Осиё халқаро терроризм ва экстремизмнинг асосий объектларидан бирига айлангани жаҳон ҳамжамиятига маълум бўлди.

Халқаро терроризм ва экстремизм хавфи фақатгина мамлакатимиз ва қўшни давлатларнинг ташвиши эмас. Яқинда Интернет орқали тарқатилган АҚШ Федерал Тергов Бюроси директори жаноб Луис Фрининг Америка Қўшма Штатлари Сенатидаги маърузасида террористик хавф билан боғлиқ вазият ташвиш туғдираётгани, охирги беш йилда ҳатто АҚШнинг ўзида содир этилаётган террористик актлар сони тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги баён этилди. ФТБ директорининг маълумотларига кўра, 1995 йилда бу тоифага тааллуқли 2 та жиноят рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йили 3 та, 1997 йили 4 та,1998 йилда 5 та ва 1999 йил 12 тани ташкил қилган. Унинг сўзларига қараганда, бугун Қўшма Штатлар халқаро терроризм билан юзма-юз турибди. АҚШ фуқаролари ва муассасаларига нисбатан террористик актлар хавфининг охирги мисоли тариқасида жаноб Фри 2000 йилнинг октябрида АҚШнинг «Коул» ҳарбий кемасига нисбатан қилинган тажовуз террористик ҳаракат эканини таъкидлади.

Жорий йилнинг май ва июнь ойларида, 1998 йилнинг августида АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари биноларидаги портлашларда 24 нафар кишининг ўлимига сабабчи бўлган Муҳаммад Рашид ва унинг уч шериги ҳамда Франция, Канада, АҚШда жиноий из қолдирган Аҳмад Рессамларга нисбатан террорчилик бўйича АҚШ судларида чиқарилган ҳукмлар эълон қилинди. Россия Президенти В. Путин ҳам МДҲ давлатлари ички ишлар вазирларининг Кенгашида «Халқаро терроризм ва экстремизм бутун собиқ совет давлати ҳудудини ўз ҳужуми учун қулай нишон сифатида танлаб олди ва Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистонда чуқур яралар қолдирди» деб, ўринли ташвиш билдирганди.

Террорни қурол қилиб олган экстремизмнинг шум нияти нимада? Нима сабабдан ривожланиши, менталитети жиҳатидан бир-бирига мутлақо ўхшамаган мамлакатларда уларга хайр-хоҳиш билдирувчилар мавжуд? Экстремизм моҳиятига кўра — ўзининг дунёқараши, эътиқоди ва ўзигагина тегишли бўлган мақсадлардан келиб чиқиб, жамиятга таъсир ўтказишга интилувчи сиёсий ҳаракатдир. Замонавий сиёсий иборалар луғатида экстремизм «Сиёсатда ва ғояларда ашаддий (лот. extremus) қарашлар ва ҳаракатлар тарафдори» деб таърифланган. Бу ашаддий ёки ҳаддан ташқари қарашлар аввало қарор топган ижтимоий тузумга қаратилган бўлади. У сўл ёки ўнг экстремизм, деб ҳам юритилади.

Экстремизм ўз ниятига мос келмайдиган замонавий давлатда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар, демократик тартибда қабул қилинган қонун ва қоидаларни инкор қилиш туридир. Унинг асосий душмани ҳам фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқий тартибот ва одил судловдир. Экстремизм идеологлари бошқалар билан мулоқотга ва келишув (компромис) га кескин қарши чиқадилар.

Ҳозир расман суд томонидан жиноятчи деб топилган Тоҳир Йўлдош, Муҳаммад Солиҳ каби террорчиларнинг айрим «овозлар» орқали чиқишларини таҳлил қилсак, жумлаларини контекстдан юлиб олиб, ўзларича талқин қилиб, ғаразли манфаатлари мос тушган бирон ғоя ёки қарашни байроқ қилиб, бошқаларга тиқиштиришга ҳаракат қилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Кези келганда экстремизмни «Ислом», «Мусулмонлик» каби муқаддас тушунчалар билан уйғунлаштириш катта хато бўлишини таъкидламоқчимиз. «Хамас», «Хезби Оллоҳ» ёки АҚШ Давлат департаменти томонидан расман террористик ташкилот деб топилган «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» каби гуруҳларнинг мавжудлиги мусулмон динини экстремистик, деб топишга асло сабаб бўлмайди.

АҚШ ФТБнинг экстремистик террорчи ташкилотлар рўйхатида Усама Бин Ладиннинг «Ал Қоида»си билан бир қаторда «Ирландия Республика Армияси», «Пуэрто Рико Миллий Озодлик Қуролли Кучлари», АҚШнинг ўзидаги «Жаҳон Ишчилар партияси», «Капитализмга қарши Карнавал», «Ҳайвонларни озод этиш Фронти», Ҳиндистондаги «Қора йўлбарслар» ва ҳоказолар ўрин олган. Бюронинг террорчиларни қўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхати ҳам Ер шарининг турли бурчакларидаги асосий динлари турлича бўлган қатор давлатларни қамраб олади. Айни шу сабабдан ўтган йилнинг август ойида республика Прокуратураси номидан «Ахборот» телекўрсатувида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги ҳодисалар юзасидан шарҳ берганимизда юртимизга суқилиб кириб, ит ўлимини топган халқаро террорчилар мурдаларининг суратини кўрсатиб, террорчининг миллати бўлмайди, деб эътироф этганмиз. Боткенга бостириб кирган жангарилар турли туркий ва Европа тилларида бир-бирлари билан мулоқот қилганлар. Маълумотларга кўра, улар орасида иорданиялик, жазоирлик йўриқчилар бўлган. Қирғизистон ҳарбийлари томонидан қўлга олинганлар орасида татар миллатига мансуб Россия фуқароси бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, Сариосиёга бостириб кирган жангарилар ўзларининг ўлган шерикларининг юзларини миллат ва ирқини ажратиб бўлмайдиган қилиб қуйдириб кетганлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунида терроризм тушунчаси жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан одамлар ҳалокати, анча миқдорда мулкий зарар етказиш ёхуд бошқа ижтимоий зарар оқибатлар юзага келиши хавфини туғдирадиган, жамоат хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини қўрқитиш ёки ҳокимият органларининг террорчиларга фойдали бўлган қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатиш ёйинки уларнинг ноқонуний мулкий ва бошқа манфаатларини қондириш мақсадида амалга оширилиадиган зўрлик ёйинки уни қўллаш таҳдиди, шунингдек, мол-мулк ва бошқа моддий объектларни яксон қилиш ёки уни қўллаш таҳдиди ва бошқаларни қамраб олади. Қонунда террорчи, террористик гуруҳ, террористик ташкилот ибораларига ҳам тушунтириш берилган. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155-моддасида акс эттирилган «Терроризм» тушунчаси ҳозир янада кенгроқ шарҳлангани муҳимдир.

Терроризм экстремистларнинг ўз сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун террорчилик актларини содир этишидир. Асосий мақсади ҳам жисмоний йўқ қилиш, қўрқитиш ёки ваҳима туғдиришдир. Юртимизнинг узоқ тоғли дараларига суқилиб кириб, панапастқамдан аскарларимизга ўқ отишдан нарига ўта олмаган террорчи жангариларнинг ҳам асосий мақсади халқимиз кўнглига ғулғула солишдан бошқа нарса эмас эди. «Террор» сўзининг лотин тилидан олинган маъноси ҳам — terror — ваҳима ёки қўрқув маъноларини англатади.

Турли гуруҳларга мансуб экстремистик ташкилотларнинг мақсадлари ҳам ҳар хил бўлади. Терроризм ва диний экстремизмнинг фаол шаҳобчаси бўлган «Хезби Таҳрир» ташкилоти томонидан Интернет орқали эълон қилинган ва Дж. Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти хабарига кўра, экстремистлар бугун минтақада бирваракайига халифалик тузиш, дунёвий ижтимоий муносабатларга чек қўйиб, давлатни VII-VIII асрлардагидек шариат меъёрлари воситасида бошқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Шу сабабдан бўлса керак, «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» раҳнамолари ўз жиноий ташкилотларини «Туркистон ислом ҳаракати» деб алмаштириш тараддудида юрибдилар.

Террорчилар кимлар ва қаердан келиб чиққан? Буни чорак асрга яқин уруш алангасида ёнаётган Афғонистон мисолида кўрайлик. Собиқ совет давлатининг ўйламай ўтказган жўғросиёсати оқибатида қўшинларнинг Афғонистонга кириши коммунизм мафкураси ва атеизмга қарши кучларнинг бирлашувига сабаб бўлди. Совет қўшинларига қарши курашган мужоҳидлар қайси мамлакатлардан келганлиги, уларни ўша вақт қайси давлатлар қўллаб-қувватлаганлигини гапириб ўтириш шарт эмас. Муҳими, совет қўшинлари Афғонистонни тарк этганда у ерда узоқ вақт давом этган жангларга ўрганиб қолган минглаб жангарилар қолишганди. Айни улар нафақат Афғонистонда, балки Ер шарининг кўплаб «қайноқ нуқталар»ида ҳозирга қадар ўзларининг мудҳиш касблари билан шуғулланмоқдалар, жоиз бўлса бошқа давлатларга, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларига ҳам терроризмни «экспорт» қилмоқдалар. Усама Бин Ладин ўзи қўлидан қўймайдиган «АКС-74У» русумли автоматни Афғон уруши даврида ўлдирилган совет генералидан тортиб олганини бир неча бор таъкидлаганини тушуниш мумкин.

Албатта, кимгадир керак бўлмаса, кимдир пул тўламаса ҳар қандай мутаассиб (фанат) жангари қўлига қурол олмайди. Айниқса, охирги йилларда террорчилар ўзларининг моддий-техник таъминоти, дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига бемалол юришлари ҳеч кимга сир эмас. Улар халқаро терроризм, халқаро жиноятчилик билан осонликча тил топишади, бир-бирларининг имкониятларидан ўз мақсадларида фойдаланадилар. Халқаро жиноятчиликнинг энг йирик тармоғи — халқаро наркобизнесдир.

Ўз вақтида АҚШдек қудратли давлатга қарши уруш очган колумбиялик наркобаронлар бугун афғонистонлик «миришкор» гиёҳванд етиштирувчилар олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.

Қўшни Боткен воқеалари авжига чиққан вақтда Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик Кенгаши раиси ўринбосари Асқарбек Мамаев ҳам давлат қўшинлари билан урушаётган жангарилар аввал шу ҳудуддан ўтувчи гиёҳвандлик воситаларининг 70 фоизини ўз назоратларида ушлаб турганлигини айтиб ўтганди. Мантиқсизлик шу даражага бориб етадики, масалан, ўзини исломий деб атаган террорчилар Европа маданияти, фан ютуқлари, демократияни куфр, деб топсалар-да, илғор техника янгиликларидан тўлақонли фойдаланадилар, ўзларининг мудҳиш ниятларини демократик шиорлар билан ниқоблайдилар.

Сариосиё тоғларида ўлим топган жангариларнинг ёнларидан ҳарбий прокуратура терговчилари Япония ва Европа замонавий радио-техника воситалари, тиббиёт ускуналари, бир марталик шприцлар топишган. Қишда ўтказилган махсус қидирув тадбирларида ғорга яшириб қўйилган ўқдори билан бирга бир қоп чўчқа гўштининг топилгани эса аскарлар ва зобитлар орасида роса кулгига сабаб бўлганди. Ўзини «демократ» деб эълон қилган Муҳаммад Солиҳнинг радикал исломчиларга қўшилиши ҳам шу билан изоҳланади. Республика Олий судига берган гувоҳлигида шериклари унинг сўзларини келтирдилар: «Менга Ўзбекистонда қандай тузум бўлиши муҳим эмас — коммунистикми, демократикми, динийми, фақат мен президент бўлсам бўлгани». Бундай иккиюзламачилик, айниқса, диний-сиёсий экстремизм вакилларига хосдир. Асл Исломни тиклаш тўғрисида бақириб-чақириб юрган тўдабошилар биринчи навбатда адолат, тинчлик ва бошқа динларга нисбатан чидамлиликка чақирувчи муқаддас Қуръон ва ҳадисларга қарши чиқаётганликларини жуда яхши биладилар. Оллоҳни самимий севгувчи мусулмон зўрликка қўл урмайди. 1999 йилнинг май ойида Тожикистоннинг Гарм туманида бу йўлнинг нотўғри эканлигига ўзлари амин бўлиб, уйларига қайтиб кетаётган 17 нафар 20-23 ёшгача бўлган йигитларнинг Жума Намангоний одамлари томонидан сўйиб ташланиши ҳеч бир динга тўғри келмайди, ахир. 1996 йилнинг 22 апрелида йигирма икки араб давлатлари адлия вазирлари терроризм ва экстремизмга қарши кураш чоралари ҳақидаги Келишувни имзолаганликларининг ўзи Ислом пайдо бўлган давлатларнинг бу балоқазога муносабатини яққол намоён этади. Икки йиллик муҳокамалардан сўнг қабул қилинган мазкур ҳужжат аввало радикал ислом терроризмига қарши кураш чораларини қамраб олган.

Терроризм ва экстремизмга қандай воситалар билан қай услубда курашиш керак? Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунида бу курашнинг асосий принциплари — қонунийлик, шахс ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, огоҳлик чораларининг устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги белгиланган. Терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг энг асосий воситаси мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимини, ҳуқуқий онгини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришдир. Одамларга адолатпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларига йўғрилган динимизнинг асл қадриятлари ва моҳиятини, айни вақтда қотиллик, вайронагарчилик ва геноцидга асосланган терроризм ва экстремизм ғояларининг моҳиятини кенг тушунтириш даркор. Терроризмнинг қурбони нафақат айрим гуруҳлар, балки кенг халқ оммаси бўлиши, яъни экстремистлар ўз мақсадлари йўлида ҳар кимни (Тоҳир Йўлдошнинг «Отам бўлса ҳам, акам бўлса ҳам пинсабилло жиҳод қиламан» деган видеотасмасини эсланг) ўлдиришдан, вайрон қилишдан тоймаслигини жамоатчилик аниқ англаши керак.

Албатта, ҳеч ким онадан террорчи бўлиб туғилмайди, у аста-секин ўз тарбиявий маконидаги бўшлиқни бузғунчи кимсалар томонидан экстремистик қараш билан тўлдирилгани учун шу кунга етиб келади. Демак, ҳозирги ёшларимизни бу ёвуз таъсирдан сақлашимиз учун барча куч-имкониятларимизни сафарбар қилишимиз керак. Шуни яхши тушунишимиз лозимки, терроризмга қарши яккама-якка, ҳатто битта давлат миқёсида курашиб бўлмайди. Зеро, халқаро терроризмга қарши кураш ҳам халқаро миқёсда бўлмоғи даркор. Бу борада, айниқса, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлмоқда. У киши БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб, жон куйдириб экстремизм ва терроризм сабаблари, уни озуқалаб турган факторлар, уларга қарши курашни жаҳон ҳамжамияти ҳамкорликда олиб бормоқлиги зарурлигини гапирганди.

Президентнинг бу мавзудаги чиқишлари охирги вақт «Шанхай форуми»га кирувчи давлат раҳбарлари саммитида ва Россия Федерациясига қилган давлат ташрифи чоғида ўрин олган. Кези келганда айтиш керакки, Президентимизнинг бир неча бор кўрсатган ташаббуслари ва ниҳоят ОБСЕнинг Истанбулда ўтказилган анжуманидаги расмий маърузаси натижасида МДҲ давлатлари раҳбарлари томонидан халқаро антитерроризм Маркази тузилди ва бир йилдан бери фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро характерга эга бўлган терроризм билан курашда ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки терроризм аввало халқаро ҳамкорлик, тинчлик ва тотувликка қаршидир. У билан курашда давлатлар орасидаги гина-кудратлар ҳам унутилмоғи зарур.

2000 йилнинг сентябрида Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида МДҲ таркибидаги 11 давлат ички ишлар вазирлари томонидан терроризмга қарши кураш ҳақида имзоланган Келишув ҳам минтақамизда терроризм ва диний экстремизмга қарши ҳамкорликдаги кураш дебочаси бўлди. Терроризм ва экстремизм билан кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, махсус хизматлар, Қуролли Кучлар ва антитеррорчи ташкилотларнинг вазифаси эмас. Бунга қарши самарали курашмоқ учун давлат органлари билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликнинг истисносиз барча қатламлари, ҳокимият идоралари, оммавий ахборот воситалари бирлашмоғи керак.

Терроризм ва сиёсий экстремизмга ҳуқуқшунослик, мафкура, сиёсат, иқтисод, маданият ва бошқа соҳаларда аёвсиз жанг очиш керак. Муҳими республикамиз Президенти таъкидлаганларидек, бепарволикдан халос бўлмоғимиз, ҳар бир фуқаро мамлакатдаги ҳодисаларни шахсан ўзига, ўзининг тақдирига тегишли тарзда қабул қилиши зарур. Қуролли Кучларга келсак, ватандошларимизни тўлиқ ишонтирамизки, ҳозир ҳарбий-сиёсий вазият талаб қилаётган ва давлатимиз томонидан халқимиз ҳимояси борасида қўйилган жанговар топшириқларни аниқ бажариш, мамлакатимиз сарҳадларини ҳар қандай халқаро терроризм ва диний экстремистлар тажовузидан қатъий ҳимоялашга тўла қодир.

■ **Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари — республика Ҳарбий прокурори, Адлия полковниги

САЙЛОВ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРИ

Угандада парламент сайлови чоғида келиб чиққан тартибсизлик туфайли олти киши ҳалок бўлди. Хабарларга кўра, дастлаб номзодлардан бирининг қўриқчиси бошқа номзод тарафдорини отиб қўйган. Бундан ғазабга келган сайловчилар соқчи ва унинг яна тўрт нафар ҳамкасбини калтаклаб ўлдирган.

Кузатувчилар, Мбале шаҳрида юз берган ушбу воқеани ҳисобга олмаганда, Угандада парламент сайлови рисоладагидек ўтди, демоқда.



ИККИНЧИ МУДДАТГА ҲАМ САЙЛАНАДИМИ?

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош ассамблеяга Кофи Аннанни иккинчи муддатга бош котибликка сайлашни таклиф этди. Хабарларга кўра, Кенгаш аъзолари яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда бир овоздан К. Аннан номзодини маъқуллаган.

ЭЛЧИ ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

Перунинг Токиодаги элчиси Луис Маккиавелло ватанига чақириб олинди. Перу ҳукумати ўтган йилнинг ноябридан буён Японияда яшириниб юрган собиқ президент Алберто Фухиморини қайтариб олишга ҳаракат қилиб келмоқда. Агар А.Фухимори Перуга қайтарилса, у қотилликда, ўз мансабини суиистеъмол қилишда ва наркобизнесга аралашганликда айбланиши мумкин.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ – ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИСИ



Швейцарияда Халқаро фуқаро мудофааси ташкилоти Бош ассамблеясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда элликка яқин мамлакат ва халқаро мурувват ташкилотларидан вакиллар иштирок этди. Сессияда табиий офатларни башорат қилиш ва бартараф этиш борасида ўзаро ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Анжуман якунида иштирокчилар ривожланган мамлакатларга мурожаат қилиб, қашшоқ давлатларга табиий офат юз берганда яқиндан инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ишлаб чиқарувчи, таъминловчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!

«Даврархитектқурилиш» қўмитасига қарашли Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Қашқадарё вилоят Қамаши туманида қуриб фойдаланишга топширилишга мўлжалланган
мактаб, соғлиқни сақлаш ва бошқа иншоотларга ***задвижкалар, шамоллатиш ва насос жиҳозлари, кабель маҳсулотлари, электр щитлар, ёнғинга қарши жиҳозлар, трансформаторлар, ёритгичлар, ҳар хил турдаги мактаб мебель жиҳозлари ва бошқа материалларни сотиб олиш учун***

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгор ташкилотлар тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Тел/факс: (837522) 4-46-37

Қарши шаҳри, Хонобод шоҳ кўчаси, 5-уй, вилоят «Нефтегазқурилиш» ОАЖ биноси, 4-қават. Соат 10.00 дан 17.00 гача.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган банкни биласизми?

ҲА, ТЎҒРИ ТОПДИНГИЗ – БУ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ҲАЛҚ БАНКИДИР.

2001 йил 1 мартдан мижозлар эътиборига ҳавола этилган Халқ банкининг «Аср совғаси», «Бахтли болалик», «Кексалик гашти» омонатлари қисқа давр ичида замондошларимизнинг ҳаётбахш умидларини ҳақиқатга айланишида яқин молиявий кўмакдош бўлди. Ушбу омонат турлари бўйича 3 ой муддат ичида 15 мингдан зиёд ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқ билан ҳамнафас Халқ банки ватандошларимизга янги турдаги «Кафолат» омонатини тақдим этади. «Кафолат» омонатига 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда кирим бадали қўйиб, ойлик 2 фоиз миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз. Мазкур омонат олти ойлик муддатга қабул қилиниб, сақлаш муддати тугагач, Сизнинг мурожаатингизсиз ҳам банк омонат қолдиғига фоиз даромадларини қўшади ва омонатни кейинги муддатга узайтиради.

«Кафолат» омонати — Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Кафолатли банкнинг кафолатли омонатлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ИБРАТЛИ УМР САҲИФАЛАРИ

Ўзбек шарқшунослик илмида олам танийдиган машҳур сиймолар кўп. Шарқшунослик илмининг асосий қийинчилиги тил билан боғлиқ. Бу соҳада етук мутахассис бўлиш учун камида тўрт-беш тилни мукаммал билиш, бир неча хил ёзув турини бемалол ўқий олиш зарур. Қадимги қўлёзмалар турли ҳаттотлар томонидан хилма-хил услубда кўчирилганини кўз олдингизга келтирсангиз, бу соҳа заҳматкашлари нечоғлиқ оғир юмушни шараф билан бажаргани ва бажаришаётганлигини тасаввур этасиз.

Шу кунларда 70 ёшлик таваллуд кунини нишонлаётган Темур Фиёсов ана шундай заҳматли меҳнатга дош бериб келаётган табаррук шарқшунослардан бири ҳисобланади.

Маълумки, олим ёки ҳар қандай ижод аҳлининг вояга етишида энг аввало оилавий муҳит катта ўрин тутади. Темур Фиёсов зиёли, маърифатли оилада туғилди. Отаси Фиёс Жалолов аслида физик-математик бўлса-да, форс ва араб тилларини мукаммал ўзлаштирган комил инсон эди. У олий билим даргоҳларида дарс бериш билан бирга Тошкентдаги машҳур расадхона (обсерватория)да илмий ходим бўлиб ишлаб, узун тунларда юлдузлар дунёсини ўрганган. Улкан математик олим Қори Ниёзий қаламига мансуб «Улуғбекнинг астрономик мактаби» номли фундаментал тадқиқотнинг юзага келишида Фиёс Жалолов ҳам муносиб ҳисса қўшган. Сергайрат олим Абу Райҳон Беруниийнинг оламшумул аҳамиятга эга бўлган улкан «Ҳиндистон» асарини арабчадан ўзбек тилига таржима қилишга умрининг кўп йилларини бағишлади. Бу таржима 1965 йилда Тошкентда нашр этилди.

Ажойиботлар ва ғаройиботлар ўлкаси бўлмиш ҳинд диёрига ўзгача меҳр қўйган Темур Фиёсов бутун онгли илмий фаолиятини Ҳиндистон тарихини ўрганишга бағишлади. Унинг номзодлик диссертацияси «Ҳиндистоннинг Жанубий-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда кескинликни юмшатиш учун кураши» мавзуида эди. Докторлик ишида ҳам (Ҳиндистон дипломатиясининг Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёда агрессия ва неоколониализмга қарши кураши (1947-1967)» мана шу мавзу янада кенг ва атрофлича тадқиқ этилди. Бугунги кунда тарих фанлари доктори, профессор Темур Фиёсов Ҳиндистон давлати тарихи, айниқса унинг тинчликсеварлик фаолиятини ёритиш бўйича йирик мутахассислардан бирига айланди.

Олим 1956 йилдан бери Шарқ факультетининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи» кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. Унинг қўлида таҳсил олган шарқшуносларнинг республика илм-фани, маданияти равнақи йўлида меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида турли раҳбар-ходимлар, бир неча элчилар бор.

Профессор Темур Фиёсов 1999 йилда республикамизда биринчи марта ўзбек тилида «Ҳиндистоннинг янги тарихи» дарслигини эълон қилди. 2000 йилда ўзбек тилида у ёзган «Қадимги Ҳиндистон тарихи» қўлланмаси нашр этилди.

Темур аканинг бир хислатини алоҳида таъкидлаб, ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. У киши ниҳоятда вазмин, ҳамиша етти ўлчаб бир кесади. Илмда айтмоқчи бўлган гапини, салмоқли мулоҳазасини ҳар томонлама асослаб, чуқур исботлаб фикр юритади. Бунга «Жаҳон адабиёти» журналида (2000 йил 7-сони) босилган «Ҳиндистоннинг буюк фарзанди» мақоласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мақолада ҳинд арбоби ва сиёсатчиси Жавоҳарлал Неру фаолиятига доир барча кирралар жуда содда ва аниқ баён қилиб берилади. Бу тадқиқот изланиш, машаққатли меҳнат, илмга, шогирдларга меҳр, садоқат профессор Темур Фиёсов умрининг асосий мазмунига, моҳиятига айланиб кетганини кўрсатади. Ана шу изланиш машаққати ҳамда қувончли илҳом дақиқалари узоқ йиллар олимга ёр ва мададкор бўлишига тилакдошмиз.

■ **Раҳимжон ҚОДИРОВ,**
тарих фанлари доктори.
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТЎМАРИС МОМО ВОРИСЛАРИ

Истиклол туфайли озодлик маликаси — афсонавий Тўмарис момомизнинг номи халқимизга қайтди. «Тўмарис» миллий спорт ўйинларини ўтказиш анъанага айланиб бормокда. Шахрисабзда ўтказилган II Республика фестивали бу борада яна бир салмокли қадам бўлди.

— Миллий спорт ўйинларига эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бошланганди, — дейди мусобақаларнинг бош ҳаками, республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари А. Маликов. — Жиззахда 1999 йили ўтган I Республика фестивалидан сўнг миллий спорт ўйинлари кенг ёйилди.

Дарҳақиқат шундай. Бу гал ўйинларнинг ташкилий жиҳатларига катта эътибор қаратилди. Дастлаб оналар ва болалар Давлат дастури асосида «Хотин-қизлар ўртасида миллий спорт турлари ва ўйинларини ривожлантириш муаммолари» мавзуида II республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуманда «Халқ ўйинлари мезонлари», «Миллий ўйинлар — қадриятлар қомуси», «Ўзбекистон Республикасида «Барчиной» махсус тестларини татбиқ этиш муаммолари», «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда жисмоний машқларнинг тутган ўрни» ва бошқа маърузалар муҳокама қилинди.

Мусобақалар Ҳисор ўйингоҳида ва қишлоқ хўжалиги коллежида бўлиб ўтди. Барча жамоалар катта тайёргарлик билан келишибди. Аммо қашқадарёлик спортчилар кўп жиҳатдан устунликларини намойиш этишди. Масалан, Шаҳрисабз педагогика ва тиббиёт билим юртлари талабалари — Севара Фозилова ва Муниса Пояновалар жуфтлиги айлантириб турилган арқондан 910 марта сакрашганда, барча қойил қолди.

Ана шундай моҳир спортчилар жамланганлиги туфайли «Отишма», «Арғимчоқ», «Отиб қочар», «Қирқтош» ўйинлари, «Барчиной» тест синовларининг икки босқичида ҳам қашқадарёликлар ғолиб бўлишди. «Қўл кучи» ўйинида андижонлик Дилором Қамбаровага ҳеч ким тенг келолмади. «Тортишмачоқ» беллашувида Фарғона вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Фестивалнинг мутлақ ғолиблиги ва кубоги Қашқадарё вилояти жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни Фарғона ва учинчи ўринни Сирдарё вилоятлари жамоалари эгаллашди. Жозибали миллий ўйинлар ажойиб спортчилар етишиб чиқаётганини исботлаб берди. Яна бир бор Тўмарис момо ворислари сафи кенгайиб бораётганига амин бўлдик.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига сухбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона.
«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.
Тел.: 136-55-05.

Табиий гиёҳлар билан умуртқа поғонасидаги ўсимталарни, тутқанок, ДСП ички бош мия қон босимини, сил касалини (туберкулёз) ва бўқоқларни даволаймиз.

Маълумот учун телефон: 46-57-94

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги «Нодира» номли 24-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Эргашова Маҳира Раҳимовна номига берилган OR-9 079323 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М. Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти томонидан 1990 йил 5 июлда Исломбоев Ш. Р. номига берилган ФВ № 910463 диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Технический талон автомашины ГАЗ 24-01 год выпуска 1983, государственный знак 21-61 ТНБ, номер двигателя 24 Д-15666189, технический паспорт ВР-902097 считать
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ

Туғилган кун

КИМ? ҚАЧОН?

2 ИЮЛ
Гулчеҳра ЖАМИЛОВА — Ўзбекистон халқ артисти
Мавлон ИКРОМ (1921) — ёзувчи
Матлуба УМАРОВА — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи

4 ИЮЛ
Гулнора РАВШАНОВА — Республикада хизмат кўрсатган артист
Мансур РАВШАНОВ (1937) — Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби

5 ИЮЛ
Дилафрўз ЖАББОРОВА — Ўзбекистон халқ артисти
Усмон ҚЎЧҚОР (1953) — шоир

7 ИЮЛ
Малика МИРЗАЕВА — шоира
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ (1934) — Ўзбекистон халқ шоири
Шухрат УМАРОВ (1940) — ёзувчи

8 ИЮЛ
Муҳаббат ҲОШИМОВА — Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Табриклаймиз, кутлаймиз!
???133-12-56!!!
Кўнгироқларингизни кутамиз.

Сўзсиз сурат

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 27-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

1 ТУР	2027568.2	1016891.1	8005723.3	4004595.3	9027347.1	3040752.1	6037918.2	9034608.3	3002985.3	5022073.3	8000802.1	1002066.1	2008650.2	3028285.1	5004206.2	6014832.2	7028059.2	8042560.1
8001514.1	2040454.3	1017774.3	8005968.3	4005888.2	9030650.2	3041009.1	6038075.1	9036268.2	3003191.3	5022612.1	8002063.3	1002171.3	2009168.1	3028488.1	5004386.2	6015943.3	7028140.2	9000020.1
Телевизор	3001846.2	1018079.1	8005995.2	4007582.3	9033172.1	3041527.2	6038430.3	9037181.2	3003729.2	5022964.2	8002450.1	1003095.3	2009306.3	3028636.3	5004495.3	6016182.3	7028428.3	9000373.1
	3026138.1	1018161.3	8006162.2	4009316.3	9034635.2	3042416.3	6038780.1	9040824.1	3003808.1	5022987.1	8003103.3	1003703.1	2009745.1	3029322.3	5004757.2	6016457.2	7028677.2	9000558.2
2 ТУР	3031438.3	1020217.3	8007927.3	4009809.2	9036051.3	4000569.2	6039554.2	9041794.1	3003928.1	5023799.2	8003158.3	1004410.3	2009926.3	3029395.3	5004798.2	6016760.1	7029354.3	9000790.3
1016252.3	3033455.3	1021284.1	8008347.3	4010792.3	9037494.2	4000597.3	6040853.1	9041902.3	3004202.1	5024040.3	8003645.3	1004682.2	2010117.3	3029473.2	5005337.3	6017061.1	7029396.2	9001387.2
2027943.3	4003799.1	1024977.2	8009340.1	4013301.2	9038330.2	4002697.3	6042310.2	9042296.2	3004462.3	5024443.2	8004153.3	1004804.2	2010365.3	3029745.2	5005404.1	6018367.1	7029474.3	9001902.1
5031262.3	4007792.2	1028846.1	8010836.2	4015081.1	9038385.3	4002868.2	6042414.1	Сумма	3005121.1	5025439.3	8004166.2	1004970.3	2011235.3	3030459.2	5005720.1	6018503.3	7030342.1	9002647.2
9006112.1	4034687.2	1031026.3	8012362.1	4015779.3	9040203.1	4003969.1	7000993.3	600 сўм	3005909.3	5027563.2	8004193.1	1005279.1	2011368.2	3031561.1	5005887.2	6018761.2	7030555.1	9002659.1
Сумма	4034843.2	1032645.1	8013536.2	4015847.3	9041139.1	4006813.1	7001348.3		3007290.1	5028101.2	8005483.2	1005424.3	2011569.1	3032383.3	5006276.3	6019096.2	7031207.2	9002940.2
100000 сўм	4035905.3	1037669.2	8013658.2	4017963.3	9042107.1	4007058.3	7001467.3	**19 ТУР**	3008122.2	5028429.1	8005564.1	1006366.1	2011879.3	3032662.2	5006876.2	6019856.3	7031926.2	9003210.1
	5005804.2	1040016.1	8014575.2	4018389.3	9042358.2	4008270.1	7001720.1	1001973.3	3008710.1	5028976.3	8005737.1	1006664.3	2012065.3	3034838.2	5006903.3	6020465.2	7033276.1	9003405.3
3 ТУР	5009576.1	1040217.1	8015951.3	4020109.2	Сумма	4008623.2	7002694.2	1003381.1	3009231.3	5029244.2	8008473.1	1007260.1	2012188.2	3036468.3	5007197.2	6020658.1	7033317.1	9003534.3
4004835.3	5030870.2	1040617.1	8017660.2	4021115.1	700 сўм	4008890.2	7002721.2	1003551.3	3009881.1	5031155.1	8011146.3	1007339.1	2013355.2	3036597.2	5007211.2	6021001.2	7033832.2	9003578.3
1 хонали уй	6006000.1	2000760.3	8021036.3	4021798.3		4010184.2	7003168.2	1004713.3	3010052.1	5031470.2	8011273.2	1007614.3	2014007.3	3037133.2	5007449.1	6021371.1	7034124.2	9004516.3
	6006271.1	2001302.1	8025929.2	4022749.3	**18 ТУР**	4010293.2	7003742.2	1005797.1	3010082.1	5032278.3	8011511.1	1007733.2	2014228.1	3037470.2	5007606.1	6021818.2	7034490.3	9004529.3
4 ТУР	6009245.3	2003223.3	8026474.2	4023801.2	1002096.3	4010322.1	7004742.3	1006806.3	3011203.2	5032359.2	8011524.2	1008064.2	2014281.3	3037500.3	5008205.2	6021859.3	7034684.1	9004681.2
6043338.1	6010800.3	2004003.2	8027137.3	4025066.1	1004626.1	4011538.2	7005079.2	1007003.3	3015613.1	5033043.2	8011812.1	1008157.3	2015195.1	3037548.3	5008307.2	6021885.2	7034729.2	9004749.2
«ТІСО» авто-	6010856.2	2004047.1	8029855.1	4025413.3	1004926.1	4012319.3	7005444.1	1007299.3	3015977.1	5033278.2	8011907.3	1009759.3	2015952.3	3037561.3	5008578.2	6022453.3	7034742.2	9004941.2
мобили	6020231.2	2007425.3	8032229.1	4029424.1	1005973.1	4012804.2	7005855.3	1007457.3	3017137.2	5036511.2	8012050.2	1009905.2	2016222.3	3037709.2	5009164.1	6022592.1	7035061.1	9005115.1
	6022660.3	2013744.1	8032258.1	4030934.2	1006694.3	4013641.1	7006014.2	1008013.1	3017381.3	5037228.2	8012820.3	1010190.2	2017621.3	3037833.3	5009421.3	6023023.2	7036416.2	9006022.3
5 ТУР	7003555.2	2016011.3	8032655.3	4031471.2	1007390.2	4015905.3	7006288.2	1008185.1	3017842.3	5037323.2	8013144.1	1011306.2	2017757.3	3037860.1	5009651.1	6023051.1	7036586.1	9007232.2
3041344.3	7005049.1	2020127.1	8034803.2	4034114.2	1007760.1	4016065.2	7006548.1	1009772.2	3018164.3	5037576.3	8013290.3	1011424.3	2018018.1	3038266.3	5009702.3	6023973.3	7037307.1	9007732.2
Гилам	7017888.2	2026348.1	8037369.2	4034544.1	1010148.3	4016246.3	7006644.3	1010063.2	3019373.2	5038457.3	8016725.3	1012217.2	2018171.3	3038704.2	5009845.1	6024846.1	7037460.3	9008825.3
	7025462.1	2032204.2	8040808.2	4037739.3	1011032.3	4017481.1	7008123.3	1010078.3	3019963.2	5038652.1	8019876.1	1012634.3	2018277.2	3038985.1	5009897.1	6025773.1	7037549.2	9008847.1
6 ТУР	7026982.3	2038947.1	8041164.3	4042305.1	1011597.2	4018805.1	7008395.3	1010706.1	3021097.3	5039061.3	8020064.2	1012740.1	2018498.3	3040007.2	5010673.1	6025897.3	7037614.3	9009000.6
2037207.3	7032044.3	2039551.3	9001223.3	5000513.2	1012124.2	4020124.2	7008509.3	1010731.1	3021449.1	5041319.1	8022246.2	1013661.1	2018566.2	3040394.1	5011142.3	6026228.2	7038024.3	9010006.2
Сумма	7033641.2	2039563.2	9006869.2	5003851.1	1015786.2	4020993.2	7008983.1	1011411.1	3022638.1	5041922.3	8022806.2	1014010.3	2018730.3	3040765.2	5011577.2	6026253.3	7038051.3	9010524.3
10000 сўм	8004208.3	3002348.1	9014673.3	5004373.1	1016001.3	4021668.3	7010346.2	1012259.2	3022799.1	5042569.3	8023059.3	1014177.1	2019145.3	3041798.3	5012430.1	6026814.3	7038094.2	9011370.3
	8014911.3	3003215.1	9016593.1	5005258.2	1016321.2	4023884.1	7010398.3	1013565.3	3024746.1	6000207.1	8023225.3	1014433.1	2021174.2	3042363.2	5014573.1	6027021.2	7038279.3	9012257.3
7 ТУР	8017442.3	3003394.1	9022969.2	5007791.1	1018582.3	4025490.3	7010734.1	1013944.1	3025276.2	6000243.3	8024057.3	1014542.2	2021381.1	4001561.1	5014772.1	6027986.3	7038406.2	9012298.3
5024866.1	8025298.3	3007646.3	9023132.2	5008564.2	1018759.3	4026261.1	7010804.2	1014309.1	3026195.3	6000562.3	8024538.1	1015759.2	2022181.1	4001735.2	5014809.1	6028426.2	7038887.1	9012883.1
7003461.2	8026017.1	3008266.2	9024474.3	5010265.1	1021312.2	4028534.2	7011009.3	1014420.3	3026642.3	6002626.3	8024552.1	1016123.3	2022913.2	4002324.1	5014838.1	6029213.2	7039098.2	9013012.2
7008940.1	8029803.3	3009216.2	9027167.1	5011285.2	1021939.1	4028598.1	7011548.3	1015129.2	3026859.3	6003793.1	8024737.3	1016151.3	2022968.3	4004257.2	5015845.2	6029432.1	7040144.1	9013293.2
Сумма	9002120.3	3011574.3	9028304.2	5011311.1	1022069.1	4029452.1	7012342.3	1016480.3	3027484.2	6003847.1	8025582.2	1016279.2	2023046.1	4004346.2	5016064.1	6029459.3	7040247.3	9014009.3
5000 сўм	9005032.2	3017944.3	9028590.3	5012305.2	1022502.2	4029865.1	7016518.3	1016729.1	3028232.2	6004683.2	8025596.2	1017433.1	2023227.3	4004429.1	5016520.1	6029472.1	7041745.3	9014554.1
	9009956.2	3019814.1	9029844.1	5012602.3	1023481.3	4030421.1	7017933.1	1017488.1	3028583.3	6005047.1	8025975.2	1018020.3	2024554.1	4004677.3	5016723.2	6029636.1	7042142.1	9016743.2
8 ТУР	9022849.2	3022787.2	9034459.2	5012772.1	1025854.3	4033874.3	7018465.3	1018200.2	3029337.3	6005254.3	8026420.3	1018251.2	2024869.1	4004964.1	5016967.1	6029902.1	7042594.3	9016833.1
4017180.2	9035278.3	3026035.1	9036933.2	5015777.1	1027699.2	4036186.3	7019406.1	1021791.3	3029419.1	6005786.3	8026445.3	1018621.3	2024987.3	4005901.3	5017525.3	6030298.2	8000104.3	9017159.3
9026190.1	9035908.3	3027091.2	9037667.2	5016381.2	1032001.1	4037662.2	7020319.1	1023292.1	3029497.3	6005947.2	8026593.3	1018798.1	2025530.1	4006457.3	5017752.3	6031150.1	8000461.3	9017458.2
Сумма	9036439.1	3027864.1	9041232.1	5017052.3	1033466.2	4037677.3	7021479.2	1024368.2	3029850.1	6006155.3	8027645.1	1019303.1	2025952.2	4006932.2	5017962.2	6031505.3	8000709.3	9019314.2
3000 сўм	Сумма	3028557.2	9041421.1	5017616.2	1033509.1	4037767.2	7021758.2	1025273.2	3030960.3	6006216.1	8027855.1	1019960.3	2026066.2	4007398.2	5018043.3	6031560.1	8001125.3	9019573.1
	1000 сўм	3029931.3	Сумма	5018926.3	1035081.2	4037895.3	7022569.3	1025482.1	3031193.2	6006679.1	8028063.2	1020517.1	2026501.1	4007493.2	5018441.2	6031806.2	8001577.1	9020396.3
9 ТУР		3030775.1	800 сўм	5021978.3	1038387.3	4038325.1	7022950.3	1025533.2	3033190.3	6008885.2	8028615.2	1020544.1	2026990.1	4008610.3	5019759.1	6032136.2	8001968.2	9021517.3
2005766.3	**15 ТУР**	3034008.3		5029723.2	1038951.2	4038944.2	7023041.1	1026409.3	3034513.3	6009284.1	8029492.2	1020573.3	2027446.3	4008844.1	5020209.1	6032342.1	8002250.2	9021561.1
2020625.1	1003058.2	3040486.3	**17 ТУР**	5029968.3	1039068.2	4039033.2	7023825.1	1027672.2	3035195.3	6010274.3	8030547.3	1020640.1	2027886.1	4008903.3	5020335.3	6032901.2	8002410.1	9022564.1
7009061.2	1006270.3	3041079.1	1000349.2	5042420.3	1039504.2	4040558.1	7024026.2	1028009.1	3035526.2	6011333.2	8030672.3	1021040.2	2028399.2	4009194.2	5020633.1	6033467.3	8002896.3	9022633.2
8013758.1	1008251.2	4003933.2	1003082.2	6002360.2	1040511.2	4040915.2	7024493.2	1028752.3	3036125.2	6011884.1	8031265.2	1021384.3	2028982.2	4009235.1	5023965.2	6033638.1	8003309.2	9022914.2
Сумма	1008965.2	4004825.2	1004199.1	6009311.1	1040790.3	4041923.3	7024800.3	1029211.1	3037432.3	6014193.3	8031428.1	1021575.1	2029008.3	4009847.1	5024234.3	6034461.3	8003673.3	9023878.2
2000 сўм	1011869.2	4006358.1	1006819.1	6013188.2	1041233.1	4042584.1	7025051.1	1029535.1	3037642.1	6014632.3	8032037.3	1021660.2	2029164.1	4009859.2	5024929.1	6034903.3	8004045.3	9024460.2
	1015087.3	4007241.3	1010300.2	6016212.3	2000319.2	5000287.3	7026508.2	1029993.2	3038104.1	6015585.1	8032158.2	1022673.3	2029345.2	4009872.1	5025335.3	6034918.3	8004108.2	9024500.2
10 ТУР	1022399.3	4007477.3	1013212.3	6019975.1	2000518.1	5001781.3	7026860.1	1032269.3	3039125.1	6017109.3	8032307.1	1023726.2	2029727.3	4009950.3	5025412.2	6035058.1	8004635.1	9025004.3
2021896.2	1035697.1	4012834.1	1017122.2	6021096.1	2001329.3	5001883.1	7027258.2	1032379.2	3039437.2	6018789.3	8034718.3	1023851.3	2030201.1	4010143.3	5025621.3	6035070.2	8004648.2	9025340.3
2035133.3	2010017.3	4012850.3	1019095.2	6022414.2	2002752.3	5002298.3	7029510.1	1032913.1	3040634.3	6018896.1	8035028.3	1023916.1	2030521.2	4010307.1	5026751.2	6035209.2	8004905.3	9025994.2
3011126.3	2011786.1	4021785.1	1019810.3	6023396.3	2003880.1	5003797.1	7031683.2	1034034.1	3042312.2	6022277.1	8036579.1	1023971.2	2031172.2	4011025.2	5026359.1	6035305.2	8005170.3	9026881.3
4037351.3	2012309.3	4022009.1	1020175.2	6023425.3	2004284.1	5004962.3	7031913.1	1034062.3	4000289.3	6022960.2	8036960.1	1024293.2	2031185.2	4011836.3	5026401.2	6035747.3	8005472.2	9027685.2
5028867.3	2014628.1	4025973.1	1020328.3	6023822.2	2005550.1	5006053.2	7032058.1	1035434.2	4000394.1	6024966.1	8037338.3	1025086.3	2031363.3	4012077.1	5026483.2	6035940.1	8005497.1	9028161.3
7001439.1	2020366.1	4028277.1	1020438.2	6024331.3	2006306.1	5006171.2	7032252.3	1035605.1	4000838.1	6025193.2	8038230.3	1025214.3	2032417.1	4012404.1	5026876.2	6037511.1	8005751.2	9028227.2
Сумма	2021560.2	4030765.1	1024700.1	6024675.1	2007015.3	5007520.3	7034088.1	1036425.1	4001219.1	6025641.1	8038258.3	1025421.2	2033092.3	4012903.1	5027416.1	6038132.1	8006305.1	9028647.3
1500 сўм	2022210.1	4030923.3	1024822.2	6026963.1	2007150.1	5008056.3	7037460.2	1037572.2	4001352.2	6025946.1	8038343.3	1025995.2	2033128.3	4013115.2	5028288.3	6038207.2	8007172.2	9028697.3
	2027722.3	4031699.2	1025560.1	6027296.3	2007596.1	5008385.1	7037563.1	1038031.1	4001748.2	6026871.2	8038680.2	1026252.2	2033254.3	4013263.3	5028784.1	6038495.2	8007334.1	9028750.1
11 ТУР	2029660.2	4032507.1	1025574.2	6034021.3	2008613.1	5010040.1	7037575.2	1038480.3	4002075.1	6027920.2	8038865.3	1027088.3	2033379.3	4013549.3	5029369.1	6038847.2	8007452.3	9028845.1
3007126.1	3000551.2	4033669.3	1025745.2	6039700.1	2008753.1	5012146.3	7037793.2	1038896.3	4002166.2	6029620.3	8040124.1	1027239.1	2034050.3	4013656.3	5029397.3	6040018.3	8009208.2	9028928.2
3012412.2	3009763.1	4034745.3	1026227.1	7001963.1	2011097.1	5012375.3	7037862.3	1039093.3	4003116.1	6030905.3	8040479.2	1027253.3	2034966.2	4013683.2	5029436.1	6040151.2	8009716.1	9028956.1
4011300.1	3010097.1	4040250.1	1028806.1	7002007.3	2011290.2	5014289.2	7038873.3	1039109.2	4003439.2	6031191.1	9001986.2	1027586.1	2035575.3	4014210.3	5029583.2	6040205.3	8010308.2	9028983.2
5036365.1	3012326.2	4040626.1	1028930.1	7003370.1	2011468.2	5014495.2	7040410.2	1039725.3	4004935.2	6031733.2	9004127.2	1027614.3	2035783.1	4014263.2	5030420.1	6041315.1	8010987.2	9029165.1
6015198.3	3018009.2	4040900.2	1029703.3	7003488.3	2014951.2	5015573.2	7041199.3	1040230.3	4005029.1	6031962.1	9004223.3	1027765.1	2036037.1	4014414.2	5030909.2	6042335.3	8011108.2	9029494.1
9039484.1	3018023.2	4041175.3	1031692.3	7003682.3	2015671.3	5016300.3	8000396.3	1040774.1	4005417.1	6033734.3	9004408.2	1028281.3	2036407.3	4014937.2	5031072.2	7000055.2	8011289.1	9030729.1
Сумма	3022691.3	4041501.2	1032108.1	7005532.2	2016398.3	5016751.1	8001039.3	2000121.3	4005535.2	6037598.3	9004421.1	1028306.1	2036641.2	4015860.2	5031576.1	7000140.3	8012038.1	9030902.2
1300 сўм	3023996.2	5005679.1	1033451.1	7007790.3	2016987.3	5017602.1	8001140.3	2000215.1	4005603.1	6038305.3	9004457.3	1028779.2	2037340.1	4015936.2	5032414.2	7000754.3	8012267.1	9031999.3
	3028960.1	5006943.3	1038074.3	7009446.1	2017241.3	5017766.2	8004921.1	2000545.1	4008100.3	6038806.1	9004737.2	1029334.3	2037595.1	4016023.3	5033860.3	7001256.2	8012644.2	9033071.2
12 ТУР	3031950.1	5011462.3	1039486.3	7011686.1	2017688.2	5017998.2	8005434.3	2000599.3	4009728.2	6039690.3	9004789.3	1029716.1	2038232.1	4016794.1	5034112.1	7001454.3	8012748.3	9033158.1
1013433.1	3036428.1	5011536.2	1041128.3	7013652.1	2018606.3	5018982.3	8005590